

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАИБНАЗАРОВА ЗУМРАТ ТАЛАТОВНА**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЯТИНИНГ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ТАЪСИРИ**

**08.00.03 - Саноат иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Гаибназарова Зумрат Талатовна**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал назарияси ва услубиятининг модернизациялашга таъсири..... 3

**Гаибназарова Зумрат Талатовна**

Влияние теории и методологии интеллектуального капитала на модернизацию при повышении эффективности производства..... 35

**Gaibnazarova Zumrat Talatovna**

The influence of the theory and methodology of intellectual capital on modernization while increasing production efficiency..... 67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 72

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАИБНАЗАРОВА ЗУМРАТ ТАЛАТОВНА**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЯТИНИНГ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ТАЪСИРИ**

**08.00.03 - Саноат иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Iqt218 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маҳкамова Мамлакат Абдукадировна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гулямов Саидахор Саидахмедович**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги,  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Бурханов Ақтам Усманович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Умаров Илхомжон Юлдашевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » ой соат 14-80 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўч., 2-уй. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (194 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўч., 2-уй. Тел.: (+99871) 246-03-41.)

Диссертация автореферати 2020 йил « 24 » ой 12 кун тарқатилди.  
(2020 йил « 24 » ой 12 даги 37 рақамли реестр баённомаси).



**М.А. Икромов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси в.в.б., и.ф.д.,  
профессор

**Г.Ж. Аллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий, котиби, и.ф.ф.д.  
(PhD), доцент

**Б.Т. Салимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котибидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобаллашув шароитида иқтисодий ривожлантириш, тармоқ ва ҳудудий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон банки маълумотларига кўра “интеллектуал капитал” дунё миллий бойлигининг 80 фоизини, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо юқори даромадли ривожланган мамлакатларда 70 фоиз, ўрта юқори ривожланган мамлакатларда 58 фоиз ва қуйи даромадли ривожланаётган мамлакатларда 41 фоизни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Бугунги кунда интеллектуал капитал иқтисодий ўсишни таъминлаш, корхона активлари элементларини такомиллаштириш ҳамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда асосий омиллардан бири сифатида амал қилмоқда.

Жаҳонда иқтисодий-ижтимоий интеграциялашув даражасининг тобора чуқурлашиб бораётган шароитда интеллектуал капитал асосида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада корхона интеллектуал капиталидан самарали фойдаланиш, унга сарф этилган инвестиция ажратмаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, модернизациялаш, саноат корхоналарида интеллектуал капиталнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган инфратузилмаларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириб бориш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг янги босқичида автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда ички ва ташқи жаҳон бозорларида унинг ишлаб чиқараётган товар маҳсулотларини рақобатдош бўлиши учун интеллектуал капитални ошириш билан боғлиқ барча шарт-шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. “Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон интеллектуал капиталини ривожлантириш”<sup>2</sup> Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланган. Шу жиҳатдан миллий иқтисодиёт, жумладан автомобиль саноатининг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг интенсификацияси таъсирини аниқлаш юзасидан услубий ёнлашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Glenn-Marie Lange, Quentin Wodon and Kevin Carey. The changing wealth of nations 2018: building a sustainable future. Washington, D.C.: World Bank. <http://documents.worldbank.org/curated/en/727941517825869310/The-changing-wealth-of-nations-2018-building-a-sustainable-future>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3913188>

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон “2015-2019 йиллар учун ишлаб чиқаришнинг тузилмавий қайта тузилиши, замонавийлашиши ва диверсификациясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сон “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3028-сон “2017-2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сонли “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал назарияси ва услубиятининг модернизациялашга таъсири бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, United Nations Organization (UNO), United Nations Development Programme (UNDP), United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO), World Intellectual Property Organization (WIPO), The International Institute of Human Capital (ИИЧ), Health maintenance

---

<sup>3</sup> Таҳлил бўйича маълумотлар манбаси: Schultz Theodore W. The economic importance of human capital in modernization // Education economics. 1993. Vol.1, Issue 1. P. 13-19. DOI: 10.1080/09645299300000003; Langelett George L. Human capital and economic growth in the open economy: an appeal to robustness. A dissertation presented for the degree of Doctor of Philosophy in Economics.- Nebraska-Lincoln. 2000. P. 170. <https://digitalcommons.unl.edu/dissertations/AAI9989183>; Zbigniew Przygodzki. Territorial dimension of human capital // The Polish journal of economics. 2019. Vol.300, Issue 4. P. 105-130. DOI: 10.33119/GN/113513; Thomas N. Garavan, Michael J. Morley, Patrick Gunnigle, Eammon Collins. Human capital accumulation: the role of human resource development // Journal of European Industrial Training. 2001. Vol.25, Issue 2/3/4. P.48-68. DOI: 10.1108/EUM000000005437; Daren Attlee Conrad. Education, human capital accumulation and economic growth: the Caribbean experience. A dissertation presented for the degree of Doctor of Philosophy in Economics. D.C. 2007; Kia Antionetta Smith. Human capital: concepts of diversity in corporate and university settings. A dissertation presented for the degree of Doctor of Education. 2004; Panagiotis Ganotakis. Founders' human capital and the performance of UK new technology based firms // Small business economics. 2012. Vol.39, Issue 2. P. 495-515. DOI: 10.1007/s11187-010-9309-0; Mohammad Pasban, Sadeghen Hosseinzaden Nojedeh. A review of the role of human capital in the organization // Procedia-social and behavioral sciences. 2016. Vol. 230. P. 249-253. DOI: 10.1016/j.sbspro.2016.09.032; Rory Eckardt, Chou-Yu Tsai, Shelley D.Dionne, Danielle Dunne, Seth M.Spain, Jin Won Park, Minyoung Cheong, Jayoung Kim, Jie Guo, Chanyu Hao, Eung Il Kim. Human capital resource emergence & leadership // Journal of organizational behavior. 2020. DOI: 10.1002/job.2446; Santos-Rodrigues H., Dorrego, P. F., Jardon, C. F. (2010). The influence of human capital on the innovativeness of firms // International Business & Economics Research Journal. 2010. Vol. 9 Issue 9. P. 53-63. DOI: 10.19030/iber.v9i9.625; Mehran Ebrahimian, Jessica Wachter. Risks to human capital // SSRN electronic journal. 2020. P. 78.DOI: 10.2139/ssrn.3443906; Sodik Dwi Purnomo, Istiqomah Istiqomah, Suharno Suharno. The effect of human capital and human capital spillover on economic growth. International Conference on rural development and entrepreneurship: Enhancing Small Business and Rural Development Toward Industrial Revolution 4.0. 2019. Vol.5. Issue 1. P. 518-524.

organization (HMO), European Institute of Business Administration (INSEAD), Cornell SC Johnson College of Business, Саноат сиёсати ва институционал ривожланиш институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети, Г.В.Плеханова номидаги Россия Иқтисодиёт Университети (Россия), ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” иқтисодий тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг модернизациялашга таъсирига оид тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: интеллектуал капиталнинг корхона иқтисодий жараёнларидаги ҳолати (University of Chicago, АҚШ), уни ишлаб чиқариш омили эканлигини интеллектуал капиталда ифодаланишини баҳолаш (University of Nebraska-Lincoln, АҚШ), глобаллашув шароитида интеллектуал капиталнинг минтақавий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган (University of Lodz, Польша), ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг жамғарилиши ва инсон ресурсларининг ўсиб боришининг аҳамияти (Edinburgh Napier University, Буюк Британия; University of Limerick, Ирландия; The University of the West Indies, Шимолий Америка), иқтисодий ўсишнинг интеллектуал капитал билан боғлиқлиги ва унинг ривожланиш концепцияси (University of Oregon, АҚШ), интеллектуал капиталнинг тадбиркорлик ресурси эканлиги (Aston University, Буюк Британия), корхоналарда интеллектуал капиталнинг моҳияти, унга фалсафавий ва техникавий қараш асосида корхона активлари элементларини такомиллаштириш асосида яхшилаш (Islamic Azad University, Эрон), интеллектуал капитални қимматли ресурсга айланиши (School of Management and Bass Center of Leadership, Binghamton University, State University of New York, АҚШ), интеллектуал капитал унумдорлиги (International Polytechnic Institute of Viana do Castelo, Португалия), рискнинг интеллектуал капиталга таъсири (University of Pennsylvania, АҚШ), интеллектуал капитални иқтисодий ўсишга таъсири (Universitas Jenderal Soedirman, Индонезия), инсон томонидан яратилган моддий ва номоддий активларнинг интеллектуал капитал концепцияси билан боғлиқлиги кўриб чиқилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети; Г.В.Плеханова номидаги Россия Иқтисодиёт Университети, Россия).

Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг модернизациялашга таъсирини такомиллаштириш борасида, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ишлаб чиқариш самарадорлигини интеллектуал капиталнинг таъсирини эътиборга олган ҳолда баҳолаш услубиятини такомиллаштириш; интеллектуал капиталнинг тадбиркорлик ресурси сифатидаги аҳамиятига оид

назарий қарашларни такомиллаштириш; глобаллашув шароитида интеллектуал капитални қимматли ресурсга айлантириш методологиясини такомиллаштириш; интеллектуал капиталнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, унумдорлик ва персонал унумдорлигига таъсирини баҳолаш; таълимнинг интеллектуал капиталда жамғарилишига ва иқтисодий жиҳатдан ўсишига эришишни ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида инсон интеллектуал капиталлашуви ва ишлаб чиқариш корхоналарида улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар хорижий иқтисодчи олимлар G.Becker, T.Schultz, Дж.Кендрик, А.Marshall, М.Блауг, Woods Edward, Н.Boag, L.Thurow, Т.Stewart, L.Edvinsson, P.Sullivan, М.Malone, Жак Фиценс томонидан муайян даражада ўрганилган<sup>4</sup>.

Бу долзарб муаммони ўрганишда назарий ва амалий жиҳатдан юқори натижаларга МДХ мамлакатларидаги қатор олимларнинг А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.Капелюшников, М.М.Критский, Л.С.Верещагина, А.Н.Васильева, С.Цухло, Л.Шарок, Н.В.Фёдорова, О.Ю.Минченкова, В.Н.Бобков, А.Кулагин, Е.И.Комаров, А.П.Жуков, В.Р.Веснин, Т.Д.Ромашенко, Т.Г.Яковлева, С.А.Курганский, П.В.Смирнов, Т.И.Овчинникова, Л.И.Лукичева, Е.В.Егорычева, Д.Н.Егорычев, Н.А.Трофимова илмий изланишларида маълум даражада тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Becker G. Human capital. - New York: Columbia University Press, 1964.; Schultz T. Investment in Human Capital: The role of Education and of research. - New York: Columbia University Press, 1971.; Кендрик Дж. Экономический рост и формирование капитала // Вопросы экономики. 1976. №11. -175 с.; Marshall A. Principles of Economics.-New York: Macmillan Co., 1959.; Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса. - СПб: Экономикс, 2009. - 384 с.; Edward Woods. Americas Human Wealth: Money Value of Human Life / E.Woods, C.Metzer.- New York: F.S.Crofts@Co., 1927.; Boag H. Human Capital and the Cost of War // Royal Statis.Soc. - 1916. - P. 10-15.; Thurow L. Investment in Human Capital. Belmont, 1970. - С. 15.; Stewart T. Brainpower: Intellectual capital // Fortune Magazine. 1991, Vol. 23, №11.- P. 44; Фиценс Жак. Рентабельность инвестиций в персонал: измерение экономической ценности персонала. Перевод с английского языка Меньшикова М.С., Леонова Ю.П. под общ. Ред. В.И.Ярных. - М.: Вершина, 2006.- С.57.; Edvinsson L., Sullivan P.Developing a model for managing intellectual capital // European management journal. 1996. Vol. 14. №4. - P. 356-364.; Edvinsson L., Malone M. Intellectual capital: Realizing Your Company's True Value by Finding Its Hidden Roots.-New York: Harper Collins Publishers, 1997. - P. 79.

<sup>5</sup> Добрынин А.И. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования / А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Е.Д.Цыренова.-СПб.: Наука, 1999.- С. 309.; Дятлов С.А. Теория человеческого капитала: учебное пособие.-СПб.: СПбУЭФ, 1996.- С. 141.; Капелюшников Р. Спрос и предложение высококвалифицированной рабочей силы в России: кто бежал быстрее? // Вопросы экономики.-2012.-№2.-С.37-45.; Критский М.М. Человеческий капитал в информационной рыночной экономике / М.М.Критский // Человеческий капитал в условиях современной трансформации экономики: сборник научных трудов-СПб.: СПбГИЭУ, 2000.-С.36-46.; Верещагина Л.С. К вопросу о развитии инновационных технологий в персонал-менеджмента // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. 2014. №12.- С. 210-214.; Васильева А.Н. Специфика и структура человеческого капитала организации // Известия Байкальского государственного университета. 2009. №6 (68).- С. 110-114.; Цухло С. Корпоративное управление в Российской промышленности.- М.: МОНФ, 2003.- С. 94.; Шарок Л. Пути эффективного использования человеческого капитала // Управление персоналом. 2007. № 21.- С.67-68.; Фёдорова Н.В., Минченкова О.Ю. Управление персоналом организации. Учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2013.- С.512.; Бобков В.Н. Рост производительности труда-время времени. // Уровень жизни населения регионов России. 2014. №1.- С. 38-39.; Кулагин А. Подходы к интеграции науки и производства // Экономист. 2003, №5.- С.3-12.; Комаров Е.И. Стимулирование и мотивация в современном управлении персоналом // Управление персоналом. 2011, №1.- С.38-41.; Жуков А.П. Аудит человеческих ресурсов организации. Учебное пособие.- М.: МИК. 2010.- С. 255.; Веснин В.Р. Управление персоналом. Теория и практика.- М.: ТК Велби. 2007.- С. 268.; Ромашенко Т.Д. Человеческий капитал в современной России. Монография. Воронеж АОНО и ПО. Институт менеджмента, маркетинга и финансов. 2013.- С. 124.; Яковлева Т.Г. Мотивация персонала. Построение эффективной системы оплаты труда.- СПб: Питер. 2012. С. 240.; Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценка.-Иркутск: ИГЭА, 1999.- С. 286.; Смирнов П.В. Формирование специфического человеческого капитала // Вестник МГОУ.-2011.-№2.-С.98-101.; Овчинникова Т.И. Человеческий капитал как фактор экономического роста современного предприятия // Кадры предприятия. -2005.- С. 18-



Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида интеллектуал капиталнинг саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги умумий муаммоларини ўрганиш масалалари маҳаллий олимлардан С.С.Гулямов, Қ.Х.Абдурахмонов, М.А.Махкамова, М.А.Икрамов, М.Л.Турсунходжаев, Б.Т.Салимов, Н.М.Махмудов, Р.И.Нуримбетов, А.Азимов, А.Қодиров, Ж.Х.Атаниязов, Т.Жалилов, Н.Очилов, О.Сайдахмедов, Д.А.Рахимова, З.Д.Орипова, Д.Тожибоева, Б.Тоғаев, М.Э.Пулатов илмий тадқиқот ишларида айрим томонлари кўриб чиқилган<sup>6</sup>.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар ўрганилаётган муаммонинг тизимли ёндашувини акс эттирсада, бироқ бугунги кунда мамлакат автомобиль саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал назарияси ва услубиятининг модернизациялашга таъсири масалалари етарлича ўрганиб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг танланиши, унинг мақсади ва аниқ вазифаларини белгилаб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170926232 “Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлиги тизимида интеллектуал капиталнинг шаклланиши ва қўлланилиши” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг республика автомобиль саноатини модернизациялашга таъсири бўйича илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий аҳамиятга эга таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодийнинг саноат тармоқларида интеллектуал капитални илмий-назарий ва услубий ривожланишининг таркибий тузилишини, уни

---

23.; Лукичева Л.И., Егорычева Е.В., Егорычев Д.Н. Развитие интеллектуального потенциала персонала как инструмент эффективного управления интеллектуальным капиталом наукоемких предприятий // Менеджмент в России и за рубежом, 2006, №1. С. 93-103.; Трофимова Н.А. Нематериальные активы как часть интеллектуального капитала // Финансовый менеджмент. 2008, №3, -с. 34-39

<sup>6</sup> Гулямов С.С., Очилов Н., Сайдахмедов О. Интеллектуал иқтисодий самардорлик омиллари//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Т.: 2015. №6.- 38-41 б.; Абдурахмонов К.Х. Человеческое развитие. Учебник. Т.: ФГБОУ ВО РЭУ им. Г.В.Плеханова, 2014.- С. 320.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Диссертация доктора экономических наук. Т.: ТГТУ, 2004.-291 стр.; Турсунходжаев М.Л. Реформирование системы управления в условиях рыночной экономики. Монография. Т.: ТГТУ, 2003.-С. 176.; Махмудов Н.М. Иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда қайта ишловчи саноатнинг роли: эмпирик таҳлил//Илм-фан ва инновацион ривожлантириш. Т.: 2018. -№3.-30-36-б.; Азимов А. Ислоҳ ва ҳозирги замон. Т.: Ўзбекистон. 1991.-50 б.; Қодиров А. Иқтисодий назарияси. Т.: ТДТУ. 2002.-17 б.; Атаниязов Ж.Х., Жалилов Т. Роль человеческого капитала в инновационном развитии экономики//Халқаро молия ва ҳисоб. Т.: 2019. №2.-1-9 б.; Рахимова Д.А. Совершенствование методологических основ финансирования социальной сферы в Узбекистане. Автореферат докторской диссертации по экономическим наукам. Т.: 2018.-72 б.; Орипова З.Д. Хитойда инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш//Замонавий таълим. Т.: 2014. №6.-3-8 б.; Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси. Т.: 2002.-220 б.; Тоғаев Б. Ялли ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши автореферати. Т.: 2004.-6 б.; Пулатов М.Э. Совершенствование методологии учёта аудита интеллектуального капитала. Автореферат докторской диссертации по экономическим наукам. Т.: 2017.- С. 66.

корхона фаолияти самарадорлигини оширишдаги ролини ва унинг инсон капитали билан боғлиқлигининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

технологик модернизациялаш шароитида саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида корхона интеллектуал капиталининг самарали фаолиятини баҳолашнинг услубий ёндашувларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш асосида уни баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва таққослама таҳлил қилиш;

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш жараёни ривожланишининг иқтисодий таҳлилини ўрганиш асосида унинг самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал ролини аниқлаш ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

автомобиль саноатида интеллектуал капиталдан фойдаланиш заҳираларини аниқлаш ва уни амплификациялаштириш жараёнларини такомиллаштириш;

бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида интеллектуал капитални инвестициялаштиришда инновацион ёндашувларни такомиллаштириш ва уни истиқболли ривожлантиришни таъминлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Ўзавтосаноат” АЖ тизими ишлаб чиқарувчилари ва инфратузилмалари субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида автомобиль саноати корхоналари самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг ўрни ва у билан боғлиқ корхона ишлаб чиқаришидаги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, гуруҳлаш, қиёсий ва тизимли таҳлил, монографик, иқтисодий-математик моделлаштириш ҳамда корреляцион-регрессион таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Ўзавтосаноат” АЖ корхоналари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқариш интеллектуал капитал даражасини узлуксиз ва тизимли равишда ўсиб боришини таъминлаш учун олинаётган фойданинг 10 фоизи ҳисобига аккумулятив фондни ташкил этиш асосланган;

“Ўзавтосаноат” АЖ саноат корхоналарида интеллектуал капиталдан фойдаланиш омилларини бир тизимга келтириш асосида уларни амплификациялаштириш ва 2025 йилгача ишлаб чиқариш самарадорлигини стратегик ривожлантиришнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган;

сўнгги русумдаги рақобатбардош автомобилларни ишлаб чиқаришда асосий фондлардан интеллектуал капитал таркиби инновацион ривожлантириш орқали циркуляр айланишини интенсификациялаштириш эвазига корхона самарадорлигини ошириш асослаб берилган;

“Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналарда янги автомобиль маркаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун интеллектуал капитални оширишга йўналтирилган инвестиция маблағлари асосида харажат ва даромадларни махсус йўналиш сифатида корхона бухгалтерия ҳисоботларида ҳисобга олиб бориш асосланган;

интеллектуал капитал қийматини асосий фондларга бўлиш орқали олинган қўшимча фойда, устунлик даража кўрсаткичлари ва қиймат коэффициентларини аниқлаш услуби такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интеллектуал капиталнинг самарали фаолиятини баҳолаш услубларини таққослаш асосида унинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

“Ўзавтосаноат” АЖ корхоналарида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда интеллектуал капиталнинг роли ва уни шакллантиришнинг асосий йўналишлари аниқланган;

ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг самарали фаолияти бўйича ишлаб чиқилган услублар асосида интеллектуал капитал билан инсон капитали боғлиқлиги ва уни натижаларини баҳолаш мумкинлиги асосланган;

бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида интеллектуал капиталдан фойдаланиш заҳиралари аниқланган ва уларни амплификациялаштиришни такомиллаштириш зарурлиги кўрсатилган;

саноат корхоналари самарадорлигини оширишда интеллектуал капитални инвестициялаштиришда инновацион ёндашувлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** соҳага оид илғор хориж тажрибаларини умумлаштириш, корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг модернизациялашга таъсирини такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар ва таклифлардан ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш, интеллектуал капитал назарияси ва услубиятини модернизациялаш, диверсификациялаш шароитида интеллектуал капиталдан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан тармоқ, ҳудуд ва корхона ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув адабиётлари, жумладан “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона хўжалиги иқтисодиётини таҳлил қилиш”, “Инновацион

иктисодиёт”, “Инновацион инфратузилма”, “Иқтисодиётнинг корпоратив бошқаруви” фанлар бўйича дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлаш (такомиллаштириш)да фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал назарияси ва услубиятининг модернизациялашга таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ўзавтосаноат” АЖ корхоналари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқариш интеллектуал капитал даражасини узлуксиз ва тизимли равишда ўсиб боришини таъминлаш учун олинаётган фойданинг 10 фоизи ҳисобига аккумулятив фондни ташкил этиш бўйича таклиф “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 2020 йил 19 августдаги 17-114-сон буйруқ асосида жорий этилган (Ўзавтосаноат акциядорлик жамиятининг 2020 йил 26 августдаги 17/01-25-1224-сон маълумотномаси). Ҳозирги вақтда “Ўзавтосаноат” АЖда банд бўлган 26781 ишчи ходимлардан 3649 нафари олий маълумотли бўлиб 13,6 фоизни ташкил этади, олий маълумотли мутахассислар даражасини ривожланган мамлакатлардаги олий малакали мутахассислар ҳиссасининг энг паст кўрсаткичи бўлган 55 фоизга яқинлашишини таъминлаш натижасида ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифат ва миқдорининг ўсишига эришилди;

“Ўзавтосаноат” АЖ саноат корхоналарида интеллектуал капиталдан фойдаланиш омилларини бир тизимга келтириш асосида уларни амплификациялаштириш ва 2025 йилгача ишлаб чиқариш самарадорлигини стратегик ривожлантиришнинг эконометрик модели таклифи “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 2020 йил 19 августдаги 17-114-сон буйруқ асосида жорий этилган (Ўзавтосаноат акциядорлик жамиятининг 2020 йил 26 августдаги 17/01-25-1224-сон маълумотномаси). Натижада, корхона интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиши асосида олаётган соф тушуми 4,25 маротабага, меҳнат унумдорлиги 3,26 баробарга ва ички ресурс захиралари ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирган шаклда олиб бориш қувватига эга бўлиши автомобиль ишлаб чиқариш хажмини 1,38 баробарга ўсишига олиб келган;

сўнги рўсумдаги рақобатбардош автомобилларни ишлаб чиқаришда асосий фондлардан интеллектуал капитал таркиби инновацион ривожлантириш орқали циркуляр айланишини интенсификациялаштириш эвазига корхона самарадорлигини ошириш бўйича тавсия “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 2020 йил 19 августдаги 17-114-сон буйруқ асосида жорий этилган (Ўзавтосаноат акциядорлик жамиятининг 2020 йил 26 августдаги 17/01-25-1224-сон маълумотномаси). “Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналарда асосий фондлардан фойдаланишда уларнинг доиравий ҳаракатини икки баробарга ошириш амортизация фонди ажратмасига ажратилган 642,1 млрд.сўмлик амортизация узатмаларини 321,5 млрд.сўмга камайтириш натижасида соф фойданинг 321,5 млрд.сўмга ўсишига эришилган;

“Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналарда янги автомобиль маркаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун интеллектуал капитални оширишга йўналтирилган инвестиция маблағлари асосида харажат ва даромадларни махсус йўналиш сифатида корхона бухгалтерия ҳисоботларида ҳисобга олиб бориш таклифи “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 2020 йил 19 августдаги 17-114-сон буйруқ асосида жорий этилган (“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 26 августдаги 17/01-25-1224-сон маълумотномаси). Натижада, меҳнат унумдорлигининг 1 фоизга ўсиши ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг 335302,7 млн.сўмга ошиши, ялпи ишлаб чиқариш харажатларининг 3222,6 млн.сўмга камайиши ҳамда фойда олиш миқдори 251573 млн.сўмга етиши таъминланган;

интеллектуал капитал қийматини асосий фондларга бўлиш орқали олинган қўшимча фойда, устунлик даража кўрсаткичлари ва қиймат коэффициентларини аниқлаш услуги бўйича таклиф “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 2020 йил 19 августдаги 17-114-сонли буйруқ асосида жорий этилган (Ўзавтосаноат акциядорлик жамиятининг 2020 йил 26 августдаги 17/01-25-1224-сон маълумотномаси). Натижада, корхона ишлаб чиқариш харажатларининг тежалишига ва маҳсулот сифат даражасининг ортиши ҳисобига корхона иқтисодий самарадорлиги ўсишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 18 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 11 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий қисми кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 247 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Интеллектуал ва инсон капиталининг назарий-услубий асослари ҳамда уларнинг корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли”** деб номланган биринчи бобида

интеллектуал ва инсон капиталининг назарий ривожланиши ва унинг таркиби, корхона фаолиятлари самарадорлигини оширишдаги роли ҳамда интеллектуал капиталнинг инсон капитали билан боғлиқлиги ёритиб берилган.

Миллий иқтисодийни барқарор ва самарали ривожланиши, жаҳон бозорида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларига рақобатдош бўлиши мамлакатимиздаги илм-фан тараққиётига боғлиқ. Инсон омили билим даражаси капиталлашувининг самараси иқтисодийни индустриал ривожланиш давридан инновацион иқтисодий ривожланиш даврига ўтишнинг асосини ифода этади.

Интеллектуал ва инсон капиталининг назарий ривожланиши тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида умумлашган ягона таъриф мавжуд эмас. Жумладан, 20 аснинг ўрталарига келиб Г.Беккер “Иқтисодийни камситиш”, “Инсон капитали” ва “Оила тўғрисида трактат” асарларида инсон ва интеллектуал капитални турли йўналишларда ўрганганлигини кўриш мумкин. У инсонни билим олиши билан боғлиқ инвестиция харажатларини иқтисодий самарадорликка олиб келиш омили сифатида қараган.

Америкалик иқтисодчи Т.Шульц эса инсон ва интеллектуал капиталнинг такомиллашиш даврини ўрганиш асосида уни “индустриал” ва “индустриаллашган” дан кейинги иқтисодий ривожланиш даврларида ишлаб чиқаришнинг асосий омили деган.

АҚШлик иқтисодчи И.Фишер мазмун жиҳатдан инсон интеллектини капитал категориясига қўшиш тарафдори бўлган. Унинг тасдиқлашича капитал зарурий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқаришга белгиланган моддий субъект бўлгани учун инсон интеллектини ҳам моҳияти жиҳатидан капитал тушунчасига киритиш мумкин деб ҳисоблайди.

Россия иқтисодчи олимлари инсон ва интеллектуал капитални шаклланиши ҳамда ривожланишини бир неча йўналишларда кўрадилар. Жумладан, М.М.Критский интеллектуал капитал самарали фаолиятининг турмуш тарзи ва жамиятни яхшилаиб бориши корхона ресурсларининг тежамкорлигига асосланади. У интеллектуал капиталнинг асосий қонуни ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳаларда корхона ресурслари тежамкорлиги ва турмуш даражаларини яхшилаиб бориши билан боғлиқ бўлиб, интеллектуал капитал ўзининг ҳаётий даражасини бойитиб бориши яшаш даражасининг сифатида ифодаланади деб ҳисоблайди.

Евенко Л.И. фикрича интеллектуал капитал 19-20 аср ўрталаригача ресурс сифатида асосан ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган иш вақти, иш ҳақи ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали маҳсулот ҳажмини ошириш манбаи деб қараган.

Республикамиз иқтисодчи олимлари ҳам “интеллектуал капитал”, “ишлаб чиқариш”, “иқтисодий ресурслар”, “инсон капитали” иқтисодий категорияларини бозор муносабатлари шароитидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг илмий-назарий ва амалий тушунчалари бўйича илмий тадқиқот ишларида фикрларини берганлар.

Иқтисодчи олимларнинг инсон капитали ва интеллектуал капитални ривожлантириш бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишларида келтирилган назарий қарашларини ўрганиш асосида қуйидаги ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Инсон капитали ва интеллектуал капитални аниқлашдаги асосий ёндашувлар<sup>7</sup>**

<b>Муаллифлар</b>	<b>Инсон капитали бўйича ёндашув ва тушунчалар</b>
Беккер Г.	Инсон капитали унга киритилган инвестициялар натижасида шаклланади, улар: билим олиш учун сарфлар, соғлиқни сақлаш учун харажатлар, ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш ва миграцияга қилинган харажатлардан ташкил топади.
Смит А.	Билим, кўникма, тажриба ва қобилиятларини ривожлантириш инсон капитали бўлиб, у ишчининг шахсий мулки ҳисобланади.
Петти У.	Инсон капитали барча аҳолининг қийматини ифода этади.
Миль Дж.	Инсонни ўзи капитал эмас. Инсон капиталига унинг томонидан эгалланган қобилиятини киритиш мумкин, улар восита сифатида самарали фаолиятида сарфланади.
Боуэн У.	Инсон капитали унда билим, кўникма, тажриба ва мотивацияларни ўзида ифода этган инсон бўлиб, улардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланади.
Фишер С.	Инсон капитали инсон қобилияти билан даромад келтирувчи сифатида тавсифланади.
Тоффлер О.	Билим “рамзий капитал” сифатида бўлиб, унинг анъанавий капитал шакллари билан фарқи, қўлланилиш даражаси чексиз ва чекловсиз фойдаланиш мумкинлигидадир.
Капелюшников Р.И.	Инсонда жамғариладиган билим, кўникма ва мотивация захиралари.
<b>Муаллифлар</b>	<b>Интеллектуал капитал бўйича ёндашув ва тушунчалар</b>
Стьюарт Т.	Интеллектуал капитал билим, тажриба, маълумотлар базаси, интеллектуал мулк ва қиймат яратишда иштирок этишида намоён бўлади.
Эдвинссон Л.	Корхонага тегишли барча капиталлар билан ишчиларнинг кўникма ва интеллектуал қобилиятларининг потенциал ва ҳақиқий боғланишлари (патент, лицензия ва ҳ.з.) интеллектуал капитални ташкил этади.
Свейби К.	Интеллектуал капитал номоддий активлар билан аниқланади ва корхона интеллектуал мулк эгалари томонидан яратилган техника, технология, ахборот тизими ва ҳ.з. ларни шахсий мулк сифатида гавдалантиради.
Брукинг Э.	Рақобатбардош устунликларни оширадиган номоддий активлар: бозор активлари (бренд, корпоратив номи); активларни ҳимоя қилиш воситаси-интеллектуал мулк (ноу-хау, патент, муаллифлик ҳуқуқи); инсон активлари (билим ва унинг сифати); инфратузилма активлари (корхона фаолиятини таъминлайдиган усул ва жараёнлар) интеллектуал мулкни ташкил этади.
Пайк С., Фернстрём Л.	Инновацион маҳсулотларни яратиш ва сотиш учун интеллектуал капиталнинг ижодий ва интеллектуал имкониятларини белгилайдиган корхона ресурслари портфелининг бир қисмидир.
Леонтъев Б.Б.	Интеллектуал мулк корхонанинг интеллектуал активлари қиймати (интеллектуал мулк, табиий ва орттирилган интеллектуал қобилиятлар, кўникмалар ва тўпланган маълумотлар базаси) билан тавсифланади.
Салихов Б.В.	Капиталлаштирилган интеллектуал билимлар тизимидан самарали фойдаланиш асосида янги интеллектуал неъматларни ва қўшимча даромадларни олишни таъминлашга эришишдир.
Ермоленко В.В., Попова Е.Д.	Корхона интеллектуал капиталларининг билим, тажриба ва кўникмаларининг ўзаро боғлиқлиги саноат тармоғида қўшимча қийматни ва ноёб маҳсулот таклифини яратишни таъминлайди.

Бизнинг фикримизча инсон ресурсларига ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бир омил сифатида эмас, балки уни ишлаб чиқаришнинг асосий

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

ресурси деб қараш зарур. Чунки у ўзида самарали фаолият қилиш, ижтимоий муносабат ва фаол ишчи сифатида яратувчанлик ҳолатини ифода этади.

Демак инсон капиталига берилган илмий таърифларни ўрганиш асосида, инсонни самарали фаолият қилиш қобилиятига эга бўлган ва иқтисодий фаолиятда банд бўлган билим, жисмоний, малакавий ва ишбилармонлик даражаларига эга бўлган инсон капиталини ифода этади деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилар асосида интеллектуал капитал-бу саноат корхонаси учун иқтисодий неъмат, афзаллик, кўшимча қиймат, даромад, фойда, меҳнат унумдорлигини ва инновацион салоҳиятни ошириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишда асосий ресурс сифатида намоён бўлади деб ҳисоблаймиз.


Республикада ишлаб чиқариш жараёнида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари йўналишларида интеллектуал капитални инновацион тарзда ривожлантириш бўйича маълум даражада муаммолар мавжуд.

Йирик ишлаб чиқариш корхоналарида интеллектуал капиталлашув даражасини оширишга шарт-шароитлар мавжуд бўлсада, 2018 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий йўналишлари бўйича ялпи ички маҳсулотдаги хиссаси 59,4 фоизга тўғри келган, аммо бу корхоналарда ишчи ресурсларининг умумий бандлик даражаси 2015-2018 йиллар ичида 77,9 фоиздан 76,3 фоизга камайганлигининг асосий сабаби иш жойларини ўзгартириш, яъни уларнинг қўнимсизлик даражаларининг ошганлигидандир.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодчи олимлар ўртасида ишлаб чиқаришда банд бўлган интеллектуал капиталларни рағбатлантиришни қайси усулда олиб бориш самарали эканлиги тўғрисида ягона фикр йўқ. Иқтисодий мазмуни жиҳатидан инсон интеллектуал капитали иқтисодий категория бўлиб, А.Ф.Шишкин уни бозор муносабатларининг моддий асосини ташкил этувчи корхоналарнинг саноат капитали деб ҳисобласа, Ю.Даум корхоналар ихтиёрида бўлган интеллектуал капитал билан номоддий актив ва ресурсларни номатериал активларга қўшади. Унинг фикрича интеллектуал капитал элементлари инсон капиталида таркибий, шерикчилик ва мижозлик капитали тариқасида ифодаланади деб ҳисоблайди. Бизнингча интеллектуал капитални шаклланиши ва ривожланиб бориши инсон капитали билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, инсон интеллектуал капитали ўсишининг базисини ташкил этади. Интеллектуал капиталнинг ташкил топиши инсон капиталини умумлашган ҳолати билан инновацион буюмлашган капиталларнинг йиғиндисида корхонанинг умумий интеллектуал капиталини намоён этади деб ҳисоблаймиз (1-расм).

Корхона ишлаб чиқаришини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган моддий ва интеллектуал капитали асосида олинган патентлар ва маҳсулотлар учун савдо маркалари ҳам ишлаб чиқариш жараёнини самарали олиб боришда интеллектуал капитал корхона моддий активларининг асосий омили сифатида ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашади деб ҳисоблаймиз.





**1-расм. Интеллектуал капиталнинг инсон капитали билан боғлиқлик даражаси<sup>8</sup>**

Инсон интеллектуал капитали асосан олган билимлари, қобилиятлари, илмий-инновацион ишланмалари, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тадбиркорлиги шу корxonанинг интеллектуал даражасини ифода этади. Моддий капитални интеллектуаллик ва буюмлашган ишлаб чиқаришда қўлланилиши интеллектуал капиталнинг ўсиб боришини таъминлайди ва унинг қийматини ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида алоҳида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг **“Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашда интеллектуал капитални баҳолаш услубияти”** номли иккинчи бобида инсон интеллектуал капиталлашувини ва корхона интеллектуал капиталини баҳолашда услубий ёндашувлар, корхона ишлаб чиқаришида интеллектуал капитални баҳолаш кўрсаткичлари ва таққослама таҳлил қилиш услубияти кўриб чиқилган.

Инсон интеллектуал капитали унинг интеллектуал даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва истеъмол капиталларининг ўзаро таъсирида ташкил топади деб ҳисоблаймиз.

Айрим иқтисодчилар интеллектуал капитал қийматини маълум бир бўлақларга бўлиб, уларни ишлаб чиқариш субъектлари томонидан харид қилиб олиш муаммо ҳисобланади дейдилар.

Жумладан иқтисодчи Йоран Руус интеллектуал капитал қийматини баҳолашда улар таркибий тузилишининг фарқланиши ҳисоблашни қийинлаштиради деб ҳисоблайди.

Нобел мукофоти лауреати Д. Тобин фикрича интеллектуал капитал бозор қийматини корxonанинг баланс қийматига ўзаро солиштириб аниқлаш оддий ва қулай деб ҳисоблайди.

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмаси.

Швециялик олим Karl-Erik Sveiby интеллектуал капитални бошқариш унинг қийматини ўлчашда энг қулай усул бўлиб, уни бозор қийматини баланс қийматига солиштириш деб ҳисоблайди.

Интеллектуал капиталнинг ҳар хил тармоқ йўналишларидаги корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ўзига хос хусусиятларига эга бўлган ҳолда уларни бир-биридан фарқ қилишини тавсифлайди.

Интеллектуал капитални ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш услубиятларини турли кўринишларини кўриб чиқиш асосида унинг қиймати самарадорлигини аниқлаш услублари умумийлигини кўрсатди. Умуман олганда интеллектуал капитални ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий самарадорликни аниқлаш усули бўлган харажат ва даромаддан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча корхона интеллектуал капитал кўрсаткичини баҳолашда уни бозор қиймати асосида асосий фондлар қийматига нисбатан аниқлаш интеллектуал капитал ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондининг қанчага кўпайган ёки камайганлигини аниқлаш мумкин.

Корхона интеллектуал капиталининг бозор қиймати билан унинг бухгалтерия ҳисобидаги баланс қийматлари ўртасидаги фарқ интеллектуал капиталнинг умумий қийматини ифода қилади деб ҳисоблаймиз.

Демак, корхона инвестиция капиталининг маълум қисми асосий фондларга сарфланса (А-асосий фонд) қолган қисми инсон интеллектуал капитал даражасига (ИК-интеллектуал капитал) сарфланади. Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланаётган инвестиция маблағининг бу икки йўналишдаги нисбатлари ўзаро тенг ( $A=ИК$ ) ёки буюмлашган асосий капитални интеллектуал даражаси  $A>ИК$  катта бўлиши ёки интеллектуал капитал асосий капитал қийматидан  $A<ИК$  катта бўлиши мумкин. Бу тенгликлардаги ўзгаришлар мамлакат даражасида миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қабул қилинган саноат корхоналари иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш сиёсатига боғлиқ бўлади.

Саноат корхоналари интеллектуал капиталини объектив равишда бозор иқтисодиёти шароитида қуйидагича баҳолаш моделини тавсия этамиз (2-расм). Инсон капитали интеллектуал даражасини ишлаб чиқариш корхоналарида ўсиб бориши: ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи кучларини интеллектуаллашув ва асосий фондларни инновацион даражаларини оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг ўсиши ва таннархини арзонлашувига олиб келиши билан уларнинг истеъмол бозорида рақобатдошлигини ошиб боришига, илмий лойиҳа ва бизнес режаларни ишлаб чиқиш орқали меҳнат унумдорлиги ҳамда корхона фойдасини ўсиб боришига олиб келади.

Демак интеллектуал ва асосий фондлар капитали нисбатларини фақат корхона даражасида эмас, балки унинг бўлимлари даражасида ҳам ҳисобга олиш зарур.



## 2-расм. Саноат корхоналари интеллектуал капиталини баҳолаш модели<sup>9</sup>

Инсон интеллектуал капиталининг устунлик даражаларини молиявий, яъни даромад келтириш, мижозлар билан ишлаш, ишлаб чиқариш жараёни, янгиликлар яратиш кўрсаткичларида ифодалаш мумкин. Биз таклиф этаётган корхона инсон интеллектуал капиталининг устунлик даража кўрсаткичлари корхона ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган абсолют инвестиция харажатларини аниқлаш асосида интеллектуал капитал қийматини объектив равишда тўғри ҳисоблашни таъминлайди деб ҳисоблаймиз. Корхона интеллектуал капиталини ишлаб чиқариш жараёнининг умумий қийматида ва таркибий тузилишида кўриш мумкин. Жумладан, амалий тажрибага асосланган ҳолда қуйидаги асосий кўрсаткичларга асосланишни таклиф этамиз (2-жадвал).

2-жадвал

### Ишлаб чиқаришда интеллектуал капиталнинг устунлик даражаси кўрсаткичлари<sup>10</sup>

1.	Молия	Даромад. Ходимлар сони (S) Даромад. Янги харид қилувчилардан даромад (%) Янги операциялар ҳисобидан фойда (S)
2.	Мижозлар	Харидорлар билан учрашиш учун сарфланган кунлар Ишлаб чиқариш жараёнида ёпилган шартномаларга нисбати (S) Янги харидорлар сони. Йўқотилган харидорлар (%)
3.	Ишлаб чиқариш жараёни	Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар сони Ишлаб чиқариш жараёни қувватлари Қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш вақти
4.	Янгиланиш ва ривожланиш	Интеллектуал капиталнинг қаноатланиш индекси Ўқитишга бўлган харажатлар (%) Административ харажат (%) Патентларнинг ўртача ёши
5.	Инсонлар	Олий маълумотли интеллектуал капитал сони Ишлаб чиқаришдаги интеллектуал капитал таълим даражаси Саноат корхонаси интеллектуал капитал қўнимсизлиги (%)

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.

Амалиётда интеллектуал капитал қийматининг таркибий тузилиши бўйича харажатлар меъёрлари уларнинг таркибий йўналишлари бўйича ишлаб чиқилмаган. Интеллектуал капитал билан корхонанинг интеллектуал мулки икки иқтисодий категориялар кўринишида бўлсада, улар мазмун жиҳатидан бир-бирлари билан боғлиқ.

Иқтисодчи Е.Н.Селезнев интеллектуал капитал қийматини ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг билим даражаларига қараб белгилашни қуйидаги формула асосида аниқлашни таклиф этган:

$$I_k = K_{\text{уабк}} - K_{\text{мак}} \quad (1)$$

бу ерда,  $I_k$ -интеллектуал капитал;  $K_{\text{уабк}}$ -корхона умумий акцияларининг бозор қиймати;  $K_{\text{мак}}$ -корхона моддий активларининг қиймати.

Бу усул ёрдамида интеллектуал капитални ҳисоблаш орқали унга объектив баҳо бериш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Бунинг асосий сабаби интеллектуал капитал қийматига номоддий активлар, яъни ерга бўлган мулк ҳуқуқи, табиий ресурсларга ва корхона томонидан сотиб олинган, ташкил этилган моддий активлар қийматини ҳам эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Корхона ишлаб чиқаришида банд бўлган интеллектуал капитал қийматини аниқлаш учун корхонанинг умумий интеллектуал салоҳияти кўрсаткичи асосида ишлаб чиқаришда фойдаланиш вақтининг ўсиши ва янги қийматга эга бўлган инновацион янгиликларни ишлаб чиқаришга жалб қилиниши оқибатида эски интеллектуал капиталдан фойдаланиш даражасининг пасайиши унинг дастлабки қийматини пасайиб боришига ва янги илм-фан ютуқларига асосланган интеллектуал капиталнинг ўсиб боришига олиб келади деб ҳисоблаймиз.

Шунинг учун корхонанинг инновацион билим захираси қийматини баҳолаш услубида қуйидагиларга: ишлаб чиқариш харажатлари суммаси, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий қиймати, сотилган товар маҳсулотларидан тушган йиллик тушум, ишлаб чиқариш харажатлари айирмаси (ижара хақи, хомашё, жиҳозлар, асосий фондлар), капиталлаштириш харажатлари, иш хақи фонди, иш хақи харажат қисми айирмаси, йил охиридаги ортиқча пул маблағлари, ИТТКИ ҳисобига қўшилган қиймат ва корхонанинг билим захираси капиталлаштирилган баҳосига эътибор бериш зарур.

Саноат корхонаси интеллектуал капитал даражасини ошириш мақсадида уни билим олиш, малакавий даражаларини, касбий маҳоратларини ва тадбиркорлик қобилиятларини ошириб бориш, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган шароитларни ва яшаш учун зарур бўлган инфратузилмаларни талаб даражасида ташкил этиш ҳамда интеллектуал капитал инсон капитали билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг қийматини номоддий ва моддий активлар тариқасида баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Корхоналарда интеллектуал капиталнинг ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги иқтисодий-ижтимоий моҳияти бўйича мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари асосида интеллектуал капитал

қийматини миқдорий жиҳатдан баҳолаш масалаларини амалга ошириш услубиятларини ишлаб чиқишни янги йўналиш деб қараш мумкин.

Шунга асосан инсон интеллектуал капитал қийматини миқдорий жиҳатдан ошириб бориш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишда қуйидаги услубдан фойдаланиш зарурлигини келтирамиз (3-расм).



**3-расм. Саноат корхоналарида интеллектуал капитални миқдорий жиҳатдан баҳолаш услуби<sup>11</sup>**

Интеллектуал капитал қийматини миқдорий баҳолаш услубини корхона ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капиталнинг бозор қийматини баҳолаш учун даромадлар ёндашувини қўллаган ҳолда аниқлаш мумкин.

Иқтисодчи олим Тобин таклифига кўра, Тобин коэффиенти  $q=1$  га тенг бўлса, интеллектуал капиталнинг инвестицион қиймати корxonанинг инвестицион салоҳиятига тенг бўлади. Интеллектуал капиталнинг инвестицион қийматини аниқлашда коэффицент ( $q$ ) 1 дан кичик бўлса  $q<1$ , бу корxonанинг инвестицион жозибadorлиги пастлигини ифода этади. Агар ( $q$ ) коэффиенти 1 дан катта бўлса  $q>1$ , иқтисодий жиҳатдан баҳоланаётган корхона юқори даражада малакали ходимлар салоҳиятларига эга бўлганлиги учун корxonанинг инвестицион жозибadorлиги юқори деб баҳолайди.

Биз бу таклиф қилинган интеллектуал капитални қиймат шаклида аниқлаш усулига қўшилган ҳолда, интеллектуал капитални ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилишни нафақат корхона ходимларининг интеллектуал даражаларига, балки буюмлашган асосий фонд шаклидаги капитални сифат жиҳатидан инновацион даражаси ҳам аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Интеллектуал капитални баҳолаш жараёнида унга бўлган талабни

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси.

истикболлаштириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибини харидор мижозларга мойиллаштириш, хизмат кўрсатишни истеъмол бозори талаблари асосида кенгайтириб бориш доимий мижозларга боғлиқлиги, номоддий интеллектуал капиталнинг капиталлашувини моддий асосий фонд сифатида эътиборга олиш зарур.

Ишлаб чиқариш корхоналарида буюмлашган асосий фондлардан фойдаланиш даражаларини таъминлаш ва уни ошириш маълум харажатлар билан боғлиқ бўлгани каби, интеллектуал капиталнинг самарали фаолиятини ҳам сақлаб туриш маълум бир инвестиция маблағларини сарфлаш асосида нафақат дастлабки самарадорлик даражасини, балки уни ўсиб бориш даражасини таъминлашга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Демак, интеллектуал капитал қийматини корхона ишлаб чиқаришида қуйидаги формулалар<sup>12</sup> кўринишида ифода этсак бўлади:


$$I_{\text{КСМК}} = I_{\text{ККТК}} * I_{\text{КВТ}} \quad (2)$$

$$I_{\text{КК}} = 1 - I_{\text{КВТ}} \quad (3)$$

$$I_{\text{ККАХ}} = I_{\text{ККТК}} - I_{\text{КСМК}} = I_{\text{КСМК}} * I_{\text{КК}} \quad (4)$$

бу ерда,  $I_{\text{КСМК}}$ -интеллектуал капиталнинг сотилиши мумкин бўлган қиймати;  $I_{\text{ККТК}}$ -интеллектуал капиталнинг кутилаётган тахминий қиймати;  $I_{\text{КВТ}}$ -интеллектуал капиталнинг корхонада вақтинчалик турғунлиги;  $I_{\text{КК}}$ -интеллектуал капиталнинг корхонадан кетиши ёки қўнимсизлик кўрсаткичи;  $I_{\text{ККАХ}}$ -интеллектуал капитал қўнимсизлигининг альтернатив харажатлари.

Республикаимиз миллий иқтисодиётининг ривожланишини бозор иқтисодиёти талаблари асосида олиб бориш корхона ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капитал қийматини баҳолашда қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз (4-расм).



**4-расм. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капитал қийматини баҳолашга таъсир этувчи омиллар<sup>13</sup>**

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси.

Интеллектуал капитал қийматини баҳолашга таъсир этувчи омилларни эътиборга олиш билан бирга ишлаб чиқаришга қабул қилинаётган интеллектуал капиталнинг шахсий хусусиятларини ва унинг қобилиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Ана шунга асосан ишга қабул қилинувчи интеллектуал капитални фойдаланиш соҳаларига қараб шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертациянинг **“Инновацион иқтисодиёт шароитида “Ўзавтосаноат” АЖ иқтисодий ривожланишида интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиш йўллари”** деб номланган учинчи бобида “Ўзавтосаноат” АЖ ишлаб чиқаришининг ташкил топиши ва иқтисодий ривожланишининг таҳлили, корхона ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг ўрни, sanoat корхоналарида интеллектуал капитални шакллантиришнинг асосий йўналишлари таҳлил этилган.

Кейинги 2017-2018 йиллар ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қиймат шаклида 302536,8 млрд. сўмдан 407514,5 млрд. сўмга ёки 105,1 фоизга кўпайган. Истеъмол нархлари индекси 2017 йилга нисбатан 114,3 фоизни ташкил этган. Шу давр ичида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,4 фоизга кўпайиб унинг умумий қиймати 2018 йилда 228866,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлсада, унинг шу давр ичида ўсиши қайта ишлаб чиқарадиган sanoat ҳисобига ўсиши таҳлил даврида 113,2 фоизни ёки 175357,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва унинг ҳиссаси жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 2018 йилда 76,6 фоизни ташкил этган. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 115,9 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари 100,3 фоизга кўпайган. Миллий иқтисодиёт тармоқларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар миқдори 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 118,1 фоизга кўпайиб 107333,0 млрд. сўмни ташкил этган. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматига нисбатан sanoatда яратилган ялпи қўшилган қиймат 2018 йилда 25,9 фоизни ташкил этиб 2017 йилга нисбатан бу кўрсаткич 4,7 фоизга ёки 35513,5 млрд. сўмга кўпайган.

Республикада 2018 йилда sanoat корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 175,4 трлн. сўмни ёки жами sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқарилган ҳажми 76,6 фоизини ташкил этган. Sanoat таркибидаги 2018 йилда юқори технологияли тармоғининг улуши 1,6 фоизни ёки ўтган йилдагига нисбатан 0,3 фоизга камайган бўлсада, ўрта юқори технологияли ишлаб чиқариш 29,7 фоизни ёки ўтган йилдагига нисбатан 8,0 фоизга кўпайган ва ниҳоят қуйи технологияли ишлаб чиқариш 38,9 фоизни ташкил этиб ўтган 2017 йилга нисбатан 10,5 фоизга камайган.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадида 2014-2019 йиллар ичида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори профессионал, илмий ва техник фаолият учун сўмда 81,7 фоизга кўпайган, АҚШ долларларида эса 52,5 фоизга камайган. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга ажратилган инвестициялар сўмда

деярлик 3,96 маротабага кўпайган бўлса, АҚШ долларида эса ўсиш 3,2 фоизга кўпайган холос. Бошқа профессионал, илмий ва техника фаолиятига ажратилган инвестициялар ҳажми сўмда 5,3 маротабага ва АҚШ долларида эса 1,4 баробарга кўпайган<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПК-2698-сонли қарорида 2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чоратадбирлари белгиланган бўлиб, ушбу қарорга асосан “Ўзавтосаноат” АЖ автомобилсозлик учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўрсаткичлари уч йилга белгиланиб олинди ва бунинг натижасида автомобилсозлик саноатида маълум даражада ишлаб чиқариш ҳаражатларини тежашга эришилди ҳамда 4,8 мингдан ортиқ янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

“Ўзавтосаноат” АЖ нинг 2018 йилда Ўзбекистон ЯИМдаги тармоқ улуши 6,6 фоизни, 2018 йилда саноат секторидаги тармоқ улуши 11,7 фоизни ташкил этди, давлат бюджетига солиқ ва бошқа тушумлар 1,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодий ривожлантиришда аҳолининг иқтисодий-ижтимоий яшаш даражаларининг ўсиб боришида “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган асосий капиталга киритилган инвестиция маблағларининг ҳажми 2014-2019 йиллар ичида сўмда 55,7 фоизга кўпайган бўлса, АҚШ долларида эса асосий капитални ривожлантиришга инвестиция сарфи шу давр ичида 59,3 фоизга камайган.

Бизнинг фикримизча бу муаммони ижобий ҳал этиш учун автомобиль саноати ривожланган хорижий мамлакатларга республика автомобиль саноати корхоналарида ишлаб келаётган ва ишга келган ёш мутахассисларни интеллектуал даражаларини ошириш мақсадида уларнинг билим, илм, кўникма, тажриба ва малакаларини ошириш ҳамда инновацион ривожлантириш учун АҚШ долларида инвестициялаштириш маблағларини ошириб боришни таъминлаши зарур. Бунда интеллектуал капиталлашув даражасини оширишга ва юқори сифатли истеъмол бозори талабларига жавоб берадиган автомобил ва бошқа истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳисобига корхона фойда (даромад) ларини ўсиб боришини таъминлашга эришиш мумкин.

“Ўзавтосаноат” АЖ нинг молиявий кўрсаткичларининг бажарилиши қуйида келтирилган (3-жадвал).

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг ушбу жадавалида келтирилган иқтисодий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, моддий ҳаражатлар ўсиши ялпи ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан 1,07 баробар устун даражада ўсиб бормоқда. Иш ҳақининг ялпи ишлаб чиқариш ҳаражатларидаги хиссаси 1,64 баробарга кўпайган. Натижада шу давр ичида

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



фойда ялпи ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан 1,6 маротабага ўсиши асосан чет эл валютаси АҚШ доллари курсининг ва маҳсулот нархларининг ўсиши ҳисобига кўпайган.

### 3-жадвал

#### “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи йирик тижорат корхоналарининг иқтисодий ҳолати, млрд. сўм ҳисобида<sup>15</sup>

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2015 йилга нисбатан ўсиш даражаси, фоиз/баробарда
Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми	7483,595	4245,779	10804,310	26824,16	<u>258,4</u> 3,5
Ялпи ишлаб чиқариш харажати	9355,0	7874,0	15960,9	26116,0	<u>179,1</u> 2,8
Шундан:					
Моддий харажатлар	6841,7	3626,5	8641,7	21092,3	<u>208,2</u> 3,0
Иш ҳақи тўлаш харажатлари	502,6	465,1	627,9	894,3	<u>77,9</u> 1,7
Ижтимоий суғурта харажатлари	126,3	116,6	155,0	218,1	<u>72,6</u> 1,7
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	366,3	419,7	447,1	642,1	<u>75,2</u> 1,7
Бошқа харажатлар	1518,1	3246,7	6089,2	3269,2	<u>115,3</u> 2,1
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	6569,4	4895,0	8946,4	20468,4	<u>211,5</u> 3,1
Фойда солиғини тўлашга қадар фойда ёки зарар	395,2	-2077,9	133,8	1804,7	<u>356,6</u> 4,5

Республика “Ўзавтосаноат” АЖ таркибида фаолият олиб бораётган корхоналар сони 2014-2018 йиллар ичида 78 тадан 88 тагача кўпайган ёки 12,8 фоизга ошган. “Ўзавтосаноат” АЖ корхоналарида умумий банд бўлган ходимлар сони шу давр ичида 26858 кишидан 26716 кишига ёки 0,52 фоизга камайган. Шулардан 5,3 фоизи раҳбар ходимлар, 6 фоизи мутахассислар, 4,5 фоизи техник ходимлар, 8,4 фоизи хизмат кўрсатувчи ходимлар ва 76 фоизини ишлаб чиқариш ходимлари ташкил этган. Республика “Ўзавтосаноат” АЖ да умумий банд бўлганларнинг 21,7 фоизи олий маълумотга, 55,1 фоизи ўрта махсус маълумотга ҳамда ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 23,3 фоизни ташкил этган. Умуман олганда “Ўзавтосаноат” АЖ да ишлаб чиқариш жараёнларида банд бўлган олий маълумотли мутахассислар сони 21,7 фоизини ташкил этишини қониқарсиз деб ҳисоблаш мумкин.

Демак ишлаб чиқариш корхоналарида интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиш механизмига асосланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг иқтисодий тармоқ йўналишларида корхона ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган касбий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш жамоасини ташкил этиш бўйича талабларни ҳамда интеллектуал капитални ишлаб чиқаришга жалб қилиш танловида ички ва ташқи мавжуд заҳиралардан фойдаланиш зарурлигини таклиф этамиз (5-расм).

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан “Ўзавтосаноат” АЖ маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинадиган интеллектуал капиталнинг мослашувчанлиги корхонада яратилган иқтисодий-ижтимоий қулай шарт-шароитларга боғлиқ.



**5-расм. Саноат корхоналарини интеллектуал капитал билан таъминлаш ва ривожлантириш механизми<sup>16</sup>**

Республикада миллий иқтисодиётни бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида ривожланишини эътиборга олсак, корхоналардаги моддий неъматлар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техника-технологияларни саноат тармоқлари йўналишлари бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган интеллектуал капитал ва уни самарали фаолияти даражасининг ўсиб бориши, иқтисодиётни инновациялаштиришда моддий буюмлашган капитални ташкил этувчи асосий ва айланма фондларнинг модернизацияланиши ва диверсификацияланишини ҳаракатга келтирувчи асосий омил деб қараймиз.

Диссертациянинг “Саноат корхоналарини интеллектуал капиталдан

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.

**самарали фойдаланишини такомиллаштириш асосида инвестицион-инновацион истиқболли ривожлантириш”** номли тўртинчи бобида интеллектуал капиталдан фойдаланиш захиралари, интеллектуал капитални амплификациялаштиришни такомиллаштириш, уни инвестициялаштиришда инновацион ёндашув йўналишлари ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал таъсирининг эконометрик модели ва уни истиқболлаштириш амалга оширилган.

Инсон интеллектуал капиталлашувини таъминлашда соғлиқни сақлаш харажатларининг ўсиб бориши катта аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган инвестиция харажатлари ЯИМнинг 5-10 фоизини, таълимга эса 5-7 фоизни ташкил этиши лозим. ИТТКИни ривожлантириш учун ажратилаётган инвестиция маблағлари ривожланган мамлакатлардан Исроил ва Жанубий Корея давлатлари ялпи ички маҳсулотининг 4,6 фоизини, 3,5 фоиз Япония, 3,4 фоиз Швейцария, 2,7 фоизни АҚШ ва 2 фоизни ХХР давлатида ташкил этмоқда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнларида банд бўлган интеллектуал капиталнинг бажараётган ишларини жисмоний, ақлий ҳамда малакавий даражаларига қараб иш ҳақи тўлаш ва амплификациялаш бўйича ягона илмий ва услубий асосланган усулни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишни тавсия этиш ва қўллаш мамлакатимизни миллий иқтисодиётини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришида банд бўлган интеллектуал капитал иш ҳақларини тўлаш ва амплификациялаш тариф тизимининг модели қуйида таклиф қилинган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### “Ўзавтосаноат” АЖ интеллектуал капитални амплификациялаш модели<sup>17</sup>

Ишлаб чиқаришда банд бўлган интеллектуал капитал	Интеллектуал капиталга иш ҳақи тўлаш разрядлари, 100 фоиз ҳисобида								Интеллектуал капитални амплификациялашда рағбатлантириш, разрядлар бўйича							
	1	2	3	4	5	6	7	8	1	2	3	4	5	6	7	8
Интеллектуал капитал ишчига белгиланган разрядлар бўйича иш ҳақлари	100	100	100	100	100	100	100	100	110	120	130	140	150	160	170	180
Интеллектуал капитал ишчига иш режа ҳажмини ҳар чоракда бажарганликлари учун иш ҳақларини ошириш асосида рағбатлантириш (амплификациялаш) иш разрядлари бўйича - 10 фоизда	100	100	100	100	100	100	100	100	10	10	10	10	10	10	10	10
Интеллектуал капитал ишчини йиллик ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажарганликларини рағбатлантириш (амплификациялаш) ойлик иш ҳақининг - 20 фоизи ҳисобида	100	100	100	100	100	100	100	100	20	20	20	20	20	20	20	20
Корхона ишлаб чиқаришида йиллик олинган устама фойдадан ишлаб чиқаришда банд бўлган интеллектуал капитални рағбатлантириш (амплификациялаш) йиллик иш ҳақининг ўртача - 10 фоизда	100	100	100	100	100	100	100	100	10	10	10	10	10	10	10	10

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси.

Инсон интеллектуал капитали ўсиб боришининг самарадорлик даражаси улардан фойдаланиш муддатларига боғлиқ бўлиб, уларни инвестициялаштириш даврини ёшартириш зарур.

Шунинг учун интеллектуал капитални бозор иқтисодиёти шароитида эркин субъектлар ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бўладиган рақобат шароитида рақобатдош бўлиши ишлаб чиқаришда банд бўлган интеллектуал капитал қиймати ўсиб боришининг сифат кўрсаткичига боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капитал захираларидан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги услублар<sup>18</sup> асосида аниқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиб бориши ва унинг юқори фойда олишининг самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал қийматининг ўсиб боришини таъминлаш ҳамда унинг самарадорлигини аниқлашда қуйидаги харажатларни:

- интеллектуал капиталлашув даражасининг ўсиб бориши учун сарфланган давлатнинг таълим харажатлари жамғармасига ажратилган маблағларни;

- корхона ишлаб чиқаришидан олинган фойда (даромад) дан интеллектуал капиталлашувига ажратилган маблағларни;

- олий таълимни ривожлантириш жамғармасини ташкил этишда оила жамғармасидан ажратилган инвестиция маблағларини эътиборга олиш зарур.

Саноат корхоналарида интеллектуал капиталлашувга қилган харажатлари самарадорлигини тармоқ ва корхона даражасида ишлаб чиқарилган ЯИМ қийматини таълим жамғарма томонидан интеллектуал капитални тайёрлашга сарф этилган маблағга нисбатини фоизда қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин.

$$ИК_c = \frac{\text{ЯИМ}}{\text{ДТЖ} + \text{КТЖ} + \text{ОТЖ}} = \frac{\text{ЯИМ}}{\text{УТЖ}} 100\% \quad (5)$$

бу ерда, ИК<sub>c</sub>-интеллектуал капитал самарадорлиги, фоизда; ДТЖ-давлат таълим жамғармаси, сўмда; КТЖ-корхоналар таълим жамғармаси, сўмда; ОТЖ-оила таълим жамғармаси, сўмда; УТЖ-умумий таълим жамғармаси, сўмда.

Шу билан бирга ЯИМни тармоқ ёки ишлаб чиқариш даражасида интеллектуал капиталлашувга сарфланган умумий таълим жамғармаси самарадорлигини қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин.

$$ИК_c = \frac{\text{ДТЖ} + \text{КТЖ} + \text{ОТЖ}}{\text{ЯИМ}} 100\% \quad (6)$$

Бу формула асосида интеллектуал капитални ривожлантиришда ишлаб чиқарилаётган ЯИМни, тармоқ ва корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қийматига нисбатан ва интеллектуал капитал самарадорлик даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбатан камайиб боришида ифодаланади.

Умумий даражада интеллектуал капиталнинг самарадорлигини қуйидаги формуладан фойдаланиш орқали аниқлашни таклиф қиламиз.

<sup>18</sup> Муаллиф ишланмаси.

$$ИК_{yc} = \frac{ЯИМ}{ТЖ+ССЖ+ЖТЖ+ЭЖ+ИЖ} 100\% \quad (7)$$

бу ерда, ИК<sub>yc</sub>-интеллектуал капиталнинг умумий самарадорлиги, фоизда; ТЖ-таълим жамғармаси, сўмда; ССЖ-соғлиқни сақлаш жамғармаси, сўмда; ЖТЖ-жисмоний тарбия жамғармаси, сўмда; ЭЖ-экологик жамғарма, сўмда; ИЖ-ижтимоий жамғарма, сўмда.

Корхона интеллектуал капиталлашуви билан боғлиқ бўлган инвестиция харажатлари самарадорлиги бўйича бухгалтерия ҳисоб-китобларини микро даражадаги ҳисоботларида эътиборга олиш ҳамда макро даражада тармоқлар йўналишлари бўйича умумлашган ҳолда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган интеллектуал капитални ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиши натижасида фойда келтириш даражалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-ижтимоий ҳолатини ифода этувчи йиллик статистик маълумотлари ҳисоботидаги тегишли бўлимларига киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон мамлакатларининг умуминдустриал ривожланиш жараёнларида интеллектуал капитални ишлаб чиқариш жараёнининг асоси деб тан олиниши билан бирга, у янги маънога эга бўлган иқтисодий категория бўлиб, корхона мулк эгалари бўлган субъектлар билан интеллектуал капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувларининг умумий мақсади ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш натижасида олинadиган фойдадан умумлашган манфаатдорликка эга бўлиши оқибатида интеллектуал капиталга ишлаб чиқаришда фойда олишни таъминловчи ҳамкор субъект сифатида қаралиши зарур деб ҳисоблаймиз.

“Ўзавтосаноат” АЖ фаолияти кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик модел тузиш учун қуйидаги омиллар танлаб олинди (2010 йил 1 чорак-2019 йил 4 чорак маълумотлари): натижавий кўрсаткич-маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум (Y) млрд. сўм, таъсир этувчи омиллар-асосий капиталга киритилган инвестициялар (X<sub>1</sub>) млн. сўм, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи (X<sub>2</sub>) млрд. сўм, асосий воситалар қиймати (X<sub>3</sub>) сўм, автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми (X<sub>4</sub>) минг дона.

Ўзгарувчиларнинг ўлчов бирлиги турлича бўлганлиги сабабли кўп омилли эконометрик моделнинг интерпритациясини яхшироқ тушунтириш учун барча омиллар қийматларини логарифмладик.

Кўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун корреляцион таҳлил ўтказилди. Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланди. Хусусий корреляция коэффициентлари натижавий омил (lnY) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатди, яъни ҳисобланган барча хусусий корреляция коэффициентлари қиймати 0,7 дан катта эканлиги аниқланди.

Жуфт корреляция таҳлилида энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги лозим. Корреляцион

матрицадаги жуфт корреляция коэффициентлари қиймати 0,7 дан катта эмаслиги сабабли таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслиги аниқланди. Кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари t-Стюдент мезонида ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги бўйича қўйиладиган талабларга жавоб берди.

Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигини текширишда VIF (Variance Inflation Factors-мультиколлинеарлик самараси) коэффициентлари ҳисобланди. Агар таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлса, у ҳолда  $VIF > 10$  бўлади. Ҳисоб-китоблардан шуни кўриш мумкинки, барча таъсир этувчи омилларнинг VIF коэффициентлари 10 дан кичик. Бу эса таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас эканлигини кўрсатади.

EViews дастури асосида олиб борган ҳисоб-китоблар асосида кўп омилли эконометрик модел қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\ln \hat{y} = -1,0478 + 0,0529 \ln x_1 - 0,9810 \ln x_2 + 0,0774 \ln x_3 + 0,1806 \ln x_4 \quad (8)$$

[-3,0094] [2,8122] [-32,0026] [3,9501] [2,8211]

бу ерда, квадрат қавсларда ҳар бир омилнинг ҳисобланган t-статистика қийматлари.

$$R^2 = 0,9701, F_{\text{ҳисоб}} = 284,06, DW = 2,18.$$

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, асосий капиталга киритилган инвестициялар ( $\ln x_1$ ) ўртача 1,0 фоизга ортса, маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ҳажмини ( $\ln y$ ) ўртача 0,0529 фоизга ортиши мумкин экан. Сотилган маҳсулот таннарихи ( $\ln x_2$ ) ўртача 1,0 фоизга ортиши, ( $\ln y$ ) ўртача 0,981 фоизга камайишига олиб келар экан. Асосий воситалар қиймати ( $\ln x_3$ ) ўртача 1,0 фоизга ошиши, ( $\ln y$ ) ўртача 0,0774 фоизга ортишига олиб келиши кузатилмоқда. Автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмининг ( $\ln x_4$ ) ўртача 1,0 фоизга ортиши, ( $\ln y$ ) ўртача 0,1806 фоизга ортишига олиб келиши мумкин.

Кўп омилли эконометрик модель (8) сифатини детерминация коэффициенти орқали текширилганда “Ўзавтосаноат” АЖда маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ҳажмининг ( $\ln y$ ) 97,01 фоизи (8) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топиши аниқланди. Қолган 2,99 фоизи (1,0-0,9701) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлиги аниқланди. Кўп омилли эконометрик моделнинг (8) статистик аҳамиятлилиги Фишернинг F-мезони ёрдамида текширилди ва  $F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жадвал}}$  шarti бажарилиши исботланди ( $F_{\text{ҳисоб}} = 284,0658$  ва  $F_{\text{жадвал}} = 2,12$ ).

Кўп омилли эконометрик моделнинг (8) ҳисобланган параметрлари ишончлилиги Стюдентнинг t-мезони ёрдамида текширилди ва ишонччилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 40 - 4 - 1 = 35$  бўлганда барча параметрлар ишончли эканлиги аниқланди.

Кўп омилли эконометрик модел (8) бўйича натижавий омил

қолдикларида автокорреляцияни Дарбин-Уотсон (DW) мезони бўйича текширилганда, автокорреляция мавжуд эмаслиги аниқланди ( $DW_{\text{хисоб}}=2,1866 > DW_U=1,318$ ).

Ҳисобланган (8) кўп омили эконометрик моделдан келгуси даврларга натижавий кўрсаткични истиқболлаштиришда MAPE (Mean absolute percent error -фоизлардаги ўртача абсолют хатолик) коэффиценти ҳисобланди. Мазкур коэффицент 15 фоиздан кичик эканлиги аниқланди (MAPE=8,12).

Юқорида келтирилган текширишлардан сўнг кўп омили эконометрик моделдан (8) “Ўзавтосаноат” АЖнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми ҳажмини келгуси даврларга истиқбол ҳисоблари амалга оширилди.

“Ўзавтосаноат” АЖ фаолиятининг таҳлили ва прогнози асосан ишлаб чиқариш жараёнларига эътибор қаратилди. Албатта ушбу жараёнларни ўрганиш “Ўзавтосаноат” АЖда интеллектуал капитал билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўрганишга катта таъсир кўрсатади.

“Ўзавтосаноат” АЖда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) дан олинадиган тушум ўз навбатида корхоналарнинг интеллектуал капиталини ривожлантиришга олиб келади. Интеллектуал капиталнинг ривожланиши корхоналарда модернизация ва диверсификация жараёнларини жадаллаштиришга олиб келади. Корхоналарда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) дан олинадиган тушумнинг бир қисми корхоналардаги ишловчиларнинг иш ҳақини оширишга сарфланса, яна бир қисми турли тоифадаги ишловчиларнинг малакаларини оширишга сарфланади. Бу ўз навбатида малакали ходимлар сонининг ортишига олиб келади. Малакали ходимлар диверсификация ва модернизациялаш жараёнларининг ташкилотчилари бўлиб хизмат қилади.

“Ўзавтосаноат” АЖда интеллектуал капиталнинг ривожланиши корхона иқтисодий самарадорлигига таъсири бўйича кўп омили эконометрик модел тузилди.

$$\ln \hat{y} = 155,3451 - 1,1146 \ln x_1 + 0,8968 \ln x_2 + 9,2190 \ln x_3 + 5,3249 \ln x_4 + 12,8720 \ln x_5 + 3,7256 \ln x_6 + 2,9730 \ln x_7 \quad (9)$$

[8,977]   [-1,526]   [4,660]   [3,921]   [52,802]   [5,579]   [6,328]   [2,383]

бу ерда, квадрат қавсларда ҳар бир омилнинг ҳисобланган t-статистика қийматлари.

$$R^2 = 0,7996, F_{\text{хисоб}} = 18,24, DW = 1,62 .$$

Ҳисобланган детерминация коэффиценти  $R^2=0,7996$  га тенг. Бу эса “Ўзавтосаноат” АЖда меҳнат унумдорлиги ( $\ln y$ ) 79,96 фоизи (9) кўп омили эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Қолган 20,04 фоизи ( $1,0-0,7996$ ) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлиги аниқланди.

Фишернинг F-мезони ёрдамида ҳисобланган кўп омили эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлилиги аниқланди ( $F_{\text{хисоб}}=18,24$  ва  $F_{\text{жадвал}}=2,12$ ), бу эса тузилган кўп омили эконометрик моделдан (9) кўрсаткичларни келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

(9) кўп омили эконометрик модел коэффицентларининг ишончилиги

$\alpha = 0,05$  аниқликда Стьюдентнинг  $t$ -мезони асосида текширилганда, уларнинг қийматлари жадвал қийматидан катта эканлигини аниқланди.

Нативавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжудлиги Дарбин-Уотсон (DW) мезони ёрдамида текширилганда автокорреляция аниқланмади. Бу эса (9) кўп омилли эконометрик моделдан ўзгарувчиларни келгуси даврларга прогноз қилишга имкон беришини кўрсатади. Истикболлаштириш ҳисобларини амалга ошириш учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модель ишлаб чиқилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### “Ўзавтосаноат” АЖ меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар бўйича ҳисобланган тренд моделлар<sup>19</sup>

№	Кўрсаткич номи	Тренд модель кўриниши	$R^2$	$F$ - мезон	$t$ - мезон
1	Раҳбарлар сони, $(\ln X_1)$	$\ln X_1 = 5,26 + 0,0101 \cdot t$	0,623	7,313	2,704
2	Мутахассислар сони, $(\ln X_2)$	$\ln X_2 = 5,63 + 0,0097 \cdot t$	0,798	66,80	8,173
3	Техник ходимлар сони, $(\ln X_3)$	$\ln X_3 = 5,72 - 0,0016 \cdot t$	0,787	34,05	-2,845
4	Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, $(\ln X_4)$	$\ln X_4 = 5,98 + 0,0099 \cdot t$	0,729	43,32	6,582
5	Ишлаб чиқариш ходимлари сони, $(\ln X_5)$	$\ln X_5 = 8,21 + 0,0104 \cdot t$	0,832	85,31	9,236
6	Иш ҳақи, $(\ln X_6)$	$\ln X_6 = 10,44 + 0,0545 \cdot t$	0,979	892,3	29,871
7	Малака оширишга ажратилган маблағлар, $(\ln X_7)$	$\ln X_7 = 1,612 + 0,0204 \cdot t$	0,744	16,01	4,001

Ушбу жадвалда келтирилган барча омиллар бўйича тузилган тренд моделларининг ҳисобланган қийматлари уларнинг жадвал қийматлари билан таққосланди ва улардан мазкур кўрсаткичларни келгуси даврларга истиқболлаштириш мумкин эканлиги тасдиқланди.

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, асосий корхонада раҳбар ходимлар сони  $(\ln x_1)$  ўртача 1,0 фоизга ортса, меҳнат унумдорлиги  $(\ln y)$  ўртача 1,1146 фоизга пасайиши мумкин экан. Корхонада мутахассислар сонининг  $(\ln x_2)$  ўртача 1,0 фоизга ортиши,  $(\ln y)$  ўртача 0,8968 фоизга ортишига олиб келар экан. Техник ходимлар сони  $(\ln x_3)$  ўртача 1,0 фоизга ортса,  $(\ln y)$  ўртача 9,2190 фоизга ортишига олиб келиши кузатилмоқда. Хизмат кўрсатувчи ходимлар сонининг  $(\ln x_4)$  ўртача 1,0 фоизга ортиши,  $(\ln y)$  ўртача 5,3249 фоизга ортишига олиб келиши мумкин. Корхонада ишлаб чиқариш ходимлари сонининг  $(\ln x_5)$  ўртача 1,0 фоизга ортиши,  $(\ln y)$  ўртача 12,8720 фоизга ортишига олиб келиши мумкин. Агар корхонада иш ҳақи  $(\ln x_6)$  ўртача 1,0 фоизга ортса,  $(\ln y)$  эса ўртача 3,7256 фоизга ортиши мумкин. Корхонада ишловчиларнинг малака оширишига ажратилган маблағлар  $(\ln x_7)$  ўртача 1,0 фоизга ортса,  $(\ln y)$  эса ўртача 2,9730 фоизга ортиши мумкин.

<sup>19</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Интеллектуал капиталлашув билан боғлиқ бўлган харажатларни иқтисодий капитал тариқасида эмас, балки унга бўлган харажатлар натижасида интеллектуал капитални ривожланишини ҳар томонлама таъминлаши асосида уни иқтисодиётни инновацион капиталлашувини асосий омилига айлантиради. Интеллектуал капитал ўзида мужассамлашган инсон капитали қийматини ифода этувчи иқтисодий категория бўлиб, жисмоний ишчи капиталдан эгалланган билим, касб, кўникма, тажриба ва ишбилармонлик даражалари билан фарқланади.

2. Корхона интеллектуал капиталини иқтисодий-ижтимоий баҳолаш бўйича асосий омиллар ва самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, шунингдек корхона интеллектуал капиталини амплификациялашни амалга ошириш ҳамда қулай шароитларни яратиш бўйича муаммолар аниқланиб бир тизимга келтирилган.

3. Корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш нафақат ишлаб чиқаришда буюмлашган асосий ишлаб чиқариш фонди тариқасидаги интеллектуал капиталдан фойдаланиш харажатларини камайтиришга, балки уни ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Интеллектуал капитал даражаси доимий равишда ўсиб боради. Бу номоддий активларни миқдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди, уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган таъсирини эса корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, сифати ва уларнинг таннархини ҳамда истеъмол қийматини ўлчаш асосида самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

4. Корхоналарда интеллектуал капиталнинг ўсиб бориши, улар томонидан ажратиладиган йиллик инвестицияларга нисбатан устун даражада ортиши уни интеллектуаллаштириш билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарини самарали ривожланиши учун интеллектуал аккумулятив банкларини ташкил этиш зарур.

5. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капиталлашув даражасининг ривожланиб бориши билан боғлиқ бўлган инвестиция харажатлари қийматини аниқлашда, унинг фаолияти учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиш харажатлари бўлган иқтисодий-ижтимоий ҳолатини белгилаб берувчи омиллар асосида оилавий харажатларини ҳам эътиборга олиш зарур.

6. Интеллектуал капитал моҳиятини бозор талаблари асосида миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган асосий омил сифатида эмас, балки уларнинг интеллектуал даражада ўсиб бориши натижасида самарали фаолиятлари орқали корхона ишлаб чиқариш жараёнида яратиладиган мулк эгасининг фойда олишини таъминловчи ҳамкори деб ҳисоблаш зарур.

7. Моддий инвестиция харажатларини ташкил этувчи интеллектуал харажатларни моддий жиҳатдан буюмлашган харажатлар ифода этиши билан

бир қаторда, интеллектуал капитал билан боғлиқ бўлган инвестиция харажатларини корхоналар ишлаб чиқариш харажатларида ва интеллектуал капитални ривожлантириш самарадорлиги бўйича бухгалтерия ҳисоб-китобларида эътиборга олиниши зарур.

8. “Ўзавтосаноат” АЖнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг модернизациялашга таъсирининг эконометрик модели ва уни стратегик ривожланишини 2025 йилгача истиқболлаштириш натижасида корхона интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиши асосида олаётган соф тушуми 4,25 маротабага, меҳнат унумдорлиги 3,26 баробарга ва ички ресурс захиралари ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирган шаклда олиб бориш қувватига эга бўлиши автомобиль ишлаб чиқариш хажмини 1,38 баробарга ўсишига олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.I.03.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ГАИБНАЗАРОВА ЗУМРАТ ТАЛАТОВНА**

**ВЛИЯНИЕ ТЕОРИИ И МЕТОДОЛОГИИ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО КАПИТАЛА НА МОДЕРНИЗАЦИЮ ПРИ  
ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА**

**08.00.03 – Экономика промышленности**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент-2020**

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.1.DSc/Iqt218.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Махкамova Мамлакат Абдукадировна**  
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Саидахор Саидахмедович**  
академик Академии наук Республики Узбекистан,  
доктор экономических наук, профессор

**Бурханов Ақтам Усманович**  
доктор экономических наук, профессор

**Умаров Илхомжон Юлдашевич**  
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный  
транспортный университет**

Защита диссертации состоится « 8 » 01 2021 г. в 14-00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.I.03.05 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu\_info@tdtu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано № 194). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.)

Автореферат диссертации разослан « 24 » 12 2020 г.  
(протокол реестра рассылки № 31 от « 24 » 12 2020 г.)



**М.А. Икрамов**  
В.о. председателя научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.э.н., профессор

**Г.Ж. Аллаева**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.ф.н. (PhD), доцент

**Б.Т. Салимов**  
Заместитель председателя научного  
семинара при научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях глобализации при развитии экономики, повышении эффективности отраслевого и регионального производства большое значение имеет интеллектуальный капитал. По данным Всемирного банка «интеллектуальный капитал» составляет около 80 процентов мирового национального богатства, среди государств-членов Организации экономического сотрудничества и развития в развитых странах с высоким уровнем доходов - 70 процентов, в развитых странах со средне высоким уровнем доходов - 58 процентов и в развивающихся странах с низким доходом - 41 процентов<sup>1</sup>. На сегодняшний день интеллектуальный капитал является одним из основных факторов обеспечения экономического роста, совершенствования элементов активов предприятия, а также обеспечения эффективного использования имеющихся ресурсов.

В условиях усиливающегося в мире уровня социально-экономической интеграции особое внимание уделяется научным исследованиям, посвящённым модернизации и диверсификации производства на основе интеллектуального капитала, повышению эффективности промышленного производства. При этом вопросы эффективного использования интеллектуального капитала предприятия, повышения экономической эффективности вложенных в него инвестиций, модернизации, совершенствования инфраструктуры, необходимой для эффективной деятельности интеллектуального капитала на предприятиях промышленности в соответствии с требованиями рыночной экономики рассматриваются в качестве приоритетных тем.

На новом этапе экономического и социального развития Узбекистана особое внимание уделяется модернизации и диверсификации производственного процесса на предприятиях автомобильной промышленности, а также обеспечению всех условий, связанных с повышением интеллектуального капитала для конкурентоспособности производимой ими продукции на внутреннем и внешнем мировом рынке. Главной целью Стратегии инновационного развития определено “развитие человеческого интеллектуального капитала как основного фактора, определяющего уровень конкурентоспособности страны на мировой арене и её инновационного прогресса”<sup>2</sup>. В этой связи актуальное значение имеет теоретическое обоснование методологических подходов и разработка практических механизмов по определению интенсивного влияния интеллектуального капитала на повышение конкурентоспособности и эффективности национальной экономики, в частности, автомобильной промышленности.

---

<sup>1</sup> Glenn-Marie Lange, Quentin Wodon and Kevin Carey. The changing wealth of nations 2018: building a sustainable future. Washington, D.C.: World Bank. <http://documents.worldbank.org/curated/en/727941517825869310/The-changing-wealth-of-nations-2018-building-a-sustainable-future>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5544 “Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы” от 21 сентября 2018 года. . <https://lex.uz/ru/docs/3913188>

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-4707 от 4 марта 2015 года «По программе мер по обеспечению структурной реконструкции, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4397 от 18 июля 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию автомобильной промышленности Республики Узбекистан», ПП-3028 от 1 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления и ускоренному развитию автомобильной промышленности на 2017-2021 годы» и ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», а также другими нормативно-правовыми документами.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.** Научные исследования по влиянию теории и методологии интеллектуального капитала на модернизацию при повышении эффективности производства проводятся в ведущих научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе в United Nations Organization (UNO), United Nations Development Programme (UNDP), United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO), World Intellectual Property Organization (WIPO), The International Institute of Human Capital (ИИЧ), Health maintenance organization (HMO), European Institute of Business Administration (INSEAD), Cornell SC Johnson College of Business, Институте промышленной политики и

---

<sup>3</sup> Источники данных для обзора: Schultz Theodore W. The economic importance of human capital in modernization // Education economics. 1993. Vol.1, Issue 1. P. 13-19. DOI: 10.1080/09645299300000003; Langelett George L. Human capital and economic growth in the open economy: an appeal to robustness. A dissertation presented for the degree of Doctor of Philosophy in Economics.- Nebraska-Lincoln. 2000. P. 170. <https://digitalcommons.unl.edu/dissertations/AAI9989183>; Zbigniew Przygodzki. Territorial dimension of human capital // The Polish journal of economics. 2019. Vol.300, Issue 4. P. 105-130. DOI: 10.33119/GN/113513; Thomas N. Garavan, Michael J. Morley, Patrick Gunnigle, Eammon Collins. Human capital accumulation: the role of human resource development // Journal of European Industrial Training. 2001. Vol.25, Issue 2/3/4. P.48-68. DOI: 10.1108/EUM000000005437; Daren Attlee Conrad. Education, human capital accumulation and economic growth: the Caribbean experience. A dissertation presented for the degree of Doctor of Philosophy in Economics. D.C. 2007; Kia Antonetta Smith. Human capital: concepts of diversity in corporate and university settings. A dissertation presented for the degree of Doctor of Education. 2004; Panagiotis Ganotakis. Founders' human capital and the performance of UK new technology based firms // Small business economics. 2012. Vol.39, Issue 2. P. 495-515. DOI: 10.1007/s11187-010-9309-0; Mohammad Pasban, Sadeghen Hosseinzaden Nojedeh. A review of the role of human capital in the organization // Procedia-social and behavioral sciences. 2016. Vol. 230. P. 249-253. DOI: 10.1016/j.sbspro.2016.09.032; Rory Eckardt, Chou-Yu Tsai, Shelley D.Dionne, Danielle Dunne, Seth M.Spain, Jin Won Park, Minyoung Cheong, Jayoung Kim, Jie Guo, Chanyu Hao, Eung Il Kim. Human capital resource emergence & leadership // Journal of organizational behavior. 2020. DOI: 10.1002/job.2446; Santos-Rodrigues H., Dorrego, P. F., Jardon, C. F. (2010). The influence of human capital on the innovativeness of firms // International Business & Economics Research Journal. 2010. Vol. 9 Issue 9. P. 53-63. DOI: 10.19030/iber.v9i9.625; Mehran Ebrahimian, Jessica Wachter. Risks to human capital // SSRN electronic journal. 2020. P. 78.DOI: 10.2139/ssrn.3443906; Sodik Dwi Purnomo, Istiqomah Istiqomah, Suharno Suharno. The effect of human capital and human capital spillover on economic growth. International Conference on rural development and entrepreneurship: Enhancing Small Business and Rural Development Toward Industrial Revolution 4.0. 2019. Vol.5. Issue 1. P. 518-524.

институционального развития, Московском государственном университете имени М.В. Ломоносова, Российском экономическом университете имени Г.В. Плеханова (Россия), Центром экономических исследований «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете, Институтом прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан, Ташкентском государственном техническом университете (Узбекистан).

В результате проведённых в мире исследований по влиянию интеллектуального капитала на модернизацию при повышении эффективности производства получены следующие научные и практические результаты: изучено состояние интеллектуального капитала в экономических процессах предприятия (University of Chicago, США), дана оценка интеллектуального капитала как фактора производства (University of Nebraska-Lincoln, США), раскрыты специфические особенности регионального развития интеллектуального капитала в условиях глобализации (University of Lodz, Польша), значение накопления интеллектуального капитала и роста человеческих ресурсов при повышении эффективности производства (Edinburgh Napier University, Великобритания; University of Limerick, Ирландия; The University of the West Indies, Северная Америка), связь экономического роста с интеллектуальным капиталом и концепция его развития (University of Oregon, США), интеллектуальный капитал как предпринимательский ресурс (Aston University, Великобритания), сущность интеллектуального капитала на предприятиях, совершенствование элементов активов предприятия на основе философско-технического подхода (Islamic Azad University, Иран), превращение интеллектуального капитала в ценный ресурс (School of Management and Bass Center of Leadership, Binghamton University, State University of New York, США), производительность интеллектуального капитала (International Polytechnic Institute of Viana do Castelo, Португалия), влияние риска на интеллектуальный капитал (University of Pennsylvania, США), влияние интеллектуального капитала на экономический рост (Universitas Jenderal Soedirman, Индонезия), связь созданных человеком материальных и нематериальных активов с концепцией интеллектуального капитала (Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова; Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова, Россия).

В мировом масштабе ведутся научные исследования по совершенствованию влияния интеллектуального капитала на модернизацию при повышении эффективности производства по следующим приоритетным направлениям: совершенствование методологии оценки эффективности производства с учётом влияния интеллектуального капитала; совершенствование теоретических взглядов по значению интеллектуального капитала как предпринимательского ресурса; совершенствование методологии превращения интеллектуального капитала в ценный ресурс в условиях глобализации; оценка влияния интеллектуального капитала на

показатели экономического развития, производительность и производительность персонала; совершенствование научных основ развития накопления образования в интеллектуальном капитале и достижения экономического роста.

**Степень изученности проблемы.** Проблемы, связанные с интеллектуальной капитализацией человека в инновационном развитии экономики и повышением эффективности их использования на производственных предприятиях, изучены в определённой степени зарубежными учёными-экономистами, такими как G.Becker, T.Schultz, Дж.Кендрик, А.Marshall, М.Блауг, Woods Edward, Н.Boag, L.Thurow, T.Stewart, L. Edvinsson, P.Sullivan, М.Malone, Жак Фиццес<sup>4</sup>.

В изучении данной актуальной проблемы большие результаты с теоретической и практической точки зрения достигнуты в определённой степени в научных исследованиях ученых стран СНГ, таких как А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.Капелюшников, М.М.Критский, Л.С.Верещагина, А.Н.Васильева, С.Цухло, Л.Шарок, Н.В.Фёдорова, О.Ю.Минченкова, В.Н.Бобков, А.Кулагин, Е.И.Комаров, А.П.Жуков, В.Р.Веснин, Т.Д.Ромашенко, Т.Г.Яковлева, С.А.Курганский, П.В.Смирнов, Т.И.Овчинникова, Л.И.Лукичева, Е.В.Егорычева, Д.Н.Егорычев, Н.А.Трофимова<sup>5</sup>.

---

